Дунёда бир ғариб ёки йўловчидек бўлгин

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки елкамдан тутиб дедилар: «Дунёда бир ғариб ёки йўловчидек бўлгин». Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтардилар: «Кун ботса, тонгни кутма. Тонг кирса, кеч бўлишини кутма. Касалликдан олдин соғлигингни, ўлимингдан олдин ҳаётингни ғанимат бил».

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг елкаларига қўлларини қўйиб шундай дедилар: «Дунёда ўзингни ғарибдек тут». Яъни, ўзга шаҳарга келган, у ерда на уй-жойи бор, на уни овутиб тургувчи аҳли-оиласи бор, аксинча яқинлардан узоқда дунёвий боғланишлардан холи инсондек бўлгин. Чунки бундай боғланишлар бандани Яратгандан ғофил қилади. Ҳатто ғарибдан ҳам ортиқроқ ҳолатда йўловчи каби бўл. Чунки ғариб бошқа юртда узоқ муддат туриб қолиши мумкин. Лекин йўловчи эса йўлдан ўтиб кетаётган киши бўлиб, у, албатта, ўз ватанига қайтишни истайди. Йўловчининг одати енгил юриш, ортиқча юкдан қочиш ва тўхтаб қолмасликдир. Унинг барча интилиши — манзилига етиб боришдир. Шунингдек, мўмин киши ҳам дунёда мусофир кабидир: унинг эҳтиёжи фақатгина охират манзилига етказадиган воситалардан иборат бўлиши керак. Дунёнинг ортиқча нарсалари унга шарт эмас. Ибн Умар разияллоҳу анҳумо бу насиҳатга амал қилдилар. У киши шундай дер эдилар: Агар тонг оттирсанг, кечни кутма! Кеч кирса, тонгни кутма! Ўзингни қабр аҳлларидан деб ҳисобла! Чунки умр соғлиқ ва касалликдан ҳоли эмас. Касал кунинг келишидан олдин соғ-саломат кунингда тоат ибодат қилиб ол. Касаллик сен ва солиҳ амаллар орасини тўсиб қўймасидан олдин соғ-саломат пайтингни ғанимат бил. Дунё ҳаётини ғанимат билиб, ўлимдан кейин манфаат берадиган нарсаларни жамлаб ол.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4704